

ТАФСИР ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ ВА МУФАССИРНИНГ ОДОБЛАРИ

Саиджалолов Раҳматуллоҳ

Халқаро исломшунослик академияси докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15706109>

Аннотация: Ушбу мақолада тафсир илмининг аҳамияти, уламоларнинг унга берган таърифлари, тафсирнинг қисмлари, тафсир қилиш услублари, муфассирлик шартлари ва одоблари ҳақида ўқиш мумкин.

Калит сўзлар: Қуръони карим, тафсир, таҳрир, ижмол, бурҳон, идрок, ишора, ақлий, виқор, ҳокисорлик.

Annotation: In this article, you can read about the importance of the science of interpretation, the definitions given to it by scholars, the parts of interpretation, the methods of interpretation, the conditions and etiquette of interpretation.

Key words: Holy Qur'an, Tafsir, Tahrir, Ijmal, document, perception, hint, virtuous, humble.

Тафсир фани диний илмлар орасида энг биринчи аҳамият қаратилиши лозим бўлган илмлардан биридир. Зеро, ҳар қандай илмнинг шарафи, улуғворлиги, аҳамияти ўша илм орқали билинадиган ва ўрганиладиган нарсанинг шарафига, улуғворлигига, аҳамиятига боғлиқдир. Шу эътибордан, тафсир илми ҳамма илмлардан муқаддам ва ҳаммасидан устун эканлигига амин бўламиз. Зеро, Ислом динидаги барча илмлар, барча фикҳий ва шаръий билимлар, ботинию зоҳирий илмлар, латоифу фавоидлар, нафс тарбияси, одобу ахлоқ, ижтимоий хулқлар, муомалоту муносабатлар, ақоиду тавҳид билимлари, барча-барчаси аслида мана шу Қуръони Каримдан чиқиб келади, унга қайтади ва ундан таралади.

Уламоларнинг Қуръони Каримнинг тафсирига берган кўплаб таърифлари бор. Имом Суютий раҳимаҳуллоҳ ўзларининг “ал-Итқон фи улумил Қуръон” китобларида улардан бир нечталарини келтириб ўтганлар:

1.Тафсир илми бу – оятларнинг нозил бўлиши ва шунга оид ишлар, оятлар ҳақидаги қиссалар, нозил бўлиш сабаблари сўнгра оятларнинг маккий ва мадинийлигига кўра тартиби, муҳкам ва муташобих, носих ва мансук, хос ва ом, мутлақ ва муқайяд, мужмал ва муфассал, ҳалол ва ҳаром, ваъд ва ваъийд, амр ва наҳий, ибрат ва масалларга оид оятларни ўрганадиган илмдир.

2.Абу Ҳайён ал-Андалусий раҳимаҳуллоҳ “ал-Баҳрул Муҳит” китобида шундай деганлар: Тафсир – Қуръон лафзларини нутқ қилиш кайфиятини, унинг далолатларини, “муфрад” (ёлғиз) келгандаги ва “таркиб” (бирикиб) келгандаги ҳолатига оид ҳукмлари, бирикиб келгандаги ҳолатида бериладиган маънолари ва уларни тўлдирувчиларни ўрганадиган илмдир. (Илмдир) деганимизда, у ўз ичига бошқа илмларни ҳам олишини назарда тутдик. (Қуръон лафзларини нутқ қилиш кайфиятини ўрганади) деганимизда, қироатлар илмини назарда тутдик. (Унинг далолатларини ўрганади) деганимизда, ўша лафзлар далолат қиладиган нарсаларни назарда тутдик. Бу эса, ушбу илмни ўрганишда керак бўладиган “луғат илми” (тилшунослик) илмидир. (“Муфрад” (ёлғиз) келгандаги ва “таркиб” (бирикиб) келгандаги ҳолатига оид ҳукмларни ўрганади) деганимизда, сарф илми, эъроб илми, баён илми ва бадиъ илмини назарда тутдик. (Бирикиб келгандаги ҳолатида бериладиган маъноларни ўрганади) деганимизда, ҳақиқий маънода нимага

далолат қилиши ва мажозий маънода нимага далолат қилишини назарда тутдик. Зеро, гоҳида сўз бирикмаларининг зоҳири бир нарсани тақозо қилса, уни зоҳирига ҳамл қилишдан бошқа бир нарса тўсиб туради, шунинг натижасида уни зоҳиридан бошқа нарсага ҳамл қилинади ва у мажоз бўлади. (Уларни тўлдирувчиларини ўрганади) деганимизда, насхга оид, сабаби нузулга оид, Қуръондаги баъзи бир мубҳам бўлган нарсаларни изоҳлаб берувчи қиссаларни ва шунга ўхшаш нарсаларни ҳам билиш лозим эканлигини назарда тутдик.

3.Бадриддин аз-Заркаший раҳимахуллоҳ “ал-Бурҳон фи улумил Қуръон” китобида шундай деганлар: Тифсир илми — Аллоҳ таолонинг пайғамбари Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалламга нозил қилган китобини тушуниш, маъноларини очиб бериш, унинг аҳкомлари ва ҳикматларини чиқариб олиш, уларнинг барчасини луғат илми, наҳв, сарф, баён илми, усулу фикҳ ва қироатлар илмлари орқали билишни ўрганадиган илмдир. Шунингдек, бу илм нозил бўлиш сабаблари, носих ва мансухни билишни тақозо этади.

4.Шайх Муҳаммад Абдулазим аз-Зарқоний раҳимахуллоҳ “Манаҳилул ирфон фи улумил Қуръон” китобида шундай деганлар: Тафсир илми – Қуръони Каримнинг Аллоҳ таоло ирода қилган нарсага далолат қилган ҳолатини башарият тоқатидан келиб чиқиб ўрганиладиган илмдир.

5.Имом Муҳаммад Тоҳир ибн Ошур “Ат-таҳрир ват танвир” тафсирининг муқаддимасида шундай деган: Тафсир илми – Қуръон лафзларининг маъносини баён қилишни, ундан мухтасар ёки кенг тарзда истифода қилишни ўрганадиган илмдир. Демак, тафсир илми Қуръон лафзларини маъно ва ундан келиб чиқадиган нарсалар жиҳатида ўрганишга асосланган.

Тафсирнинг қисмлари

Тафсирни қисмларга бўлиниши асосан, унинг қайси жиҳатдан қаралишига кўра турлича бўлади. Масалан;

Биринчи: ушбу илми ҳосил қилиш имкониятига эга бўлиш жиҳатидан тўрт қисмга бўлинади. Буни Ибн Жарир ат-Табарий раҳимахуллоҳ Суфён ас-Саврийдан, у киши Ибн Аббос разияллоху анҳудан қуйидагича келтирганлар:

- араблар ўз тиллари орқали биладиган тафсир,
- бирорта киши билмай қолиши узрга ўтмайдиган тафсир,
- фақат уламоларгина биладиган тафсир,
- Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган тафсир.

Иккинчи: ушбу илми олинган манбасига эътибор бериш жиҳатидан уч қисмга бўлинади. Унинг олинган манбаси одатий йўл ила Қуръони каримнинг ўзидан, суннатдан, саҳобаларнинг ёки тобеинларнинг сўзларидан, ёки бўлмаса бирор бир фикр ва ижтиҳоддан олинган бўлади. Ёки ушбу йўллардан умуман бошқа, масалан илҳом, файзи илоҳий орқали бўлиши мумкин. Булар:

- ривоят қилинган тафсир ва у асарларда келган тафсир деб номланади.
- идрок орқали тафсир ва у фикр орқали қилинган тафсир деб номланади.
- идрок орқали ва ривоят орқали қилинган тафсир ва у асарий назарий тафсир деб номланади.
- файз ва ишора орқали қилинган тафсир ва у ишорий тафсир деб номланади.

Учинчи: шарҳ бўлганлигини эътиборга олиш жиҳатидан икки қисмга бўлинади. Яъни, бир лафзнинг ёки жумланинг ёхуд оятнинг луғат жиҳатидан маъносига берилган шарҳни тафсир, деб эътиборга олиниши мумкин. Булар:

- ижмолий тафсир.
- таҳлилий тафсир.

Тўртинчи: Қуръоннинг мавзуларига тегишлилиги эътибори жиҳатидан ҳам икки қисмга бўлинади. Яъни, Қуръони Каримдаги бирорта мавзуга тегишли бўлса масалан, ақида ёки аҳкомга оид умумий мавзуда, ёки бўлмаса намоз ва тавҳидга оид хос мавзуда бўлса унга ҳам тафсир дейилади. Улар:

- умумий тафсир.
- мавзуга оид тафсир.

Тафсир қилишнинг услублари

Тафсир қилишда муфассирларнинг тўртта услублари бор, улар;

1. Таҳлилий тафсир. Бу услубда муфассир мусхафнинг тартибига кўра оятларнинг кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда, ҳар бир оятнинг лафзлари маъносини, ундаги балоғатга оид жиҳатларини, оятнинг нозил бўлиш сабабини, унга тааллуқли бўлган ҳукми ва шу кабиларни баён қилади.
2. Ижмолий тафсир. Бу услубда муфассир мусхафнинг тартибига кўра оятларнинг кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда, жумлаларнинг маъноларини тушуниш осон бўлиши ва мақсад ҳосил бўлиши учун ўзининг иборалари билан баён қилади.
3. Солиштирма тафсир. Бу услубда муфассир бир оят ёки бир нечта оятларни унинг мавзусидаги Қуръоннинг бошқа оятлари, ҳадислар, саҳобалар, тобеъинларнинг ва бошқа муфассирларнинг сўзлари, ёки бошқа самовий китоблар билан бир ерга жамлайди, сўнгра уларни бир-бирига солиштиради, далилларни келтиради ва ниҳоят кучли сўз қайси ва кучсизи қайси эканлигини баён қилади.
4. Мавзуга оид тафсир. Бу услубда муфассир Қуръон оятларини мусхафдаги тартибда эмас, балки бир ҳукмга ёки мавзуга тегишлиларини жамлаб тафсир қилади.

Қуръони Каримнинг тафсири билан фақат тафсир илмидан хабари бор, илму маърифатли, хусусан, муфассир учун талаб этиладиган шартларга жавоб бера оладиган, муфассирнинг одобларига риоя қиладиган кишилар шуғулланмоғи жуда ҳам муҳимдир. Қуйида муфассирнинг шартлари ва одобларини зикр қилиб ўтамыз.

Муфассирнинг шартлари:

1. Эътифоди соғлом бўлмоғи.
2. Ҳавоий нафсдан йироқ бўлмоғи.
3. Тафсир қилишни аввал, Қуръонни Қуръон билан тафсир қилишдан бошламоғи.
4. Тафсирни суннати набавияга мувофиқ қилмоғи, зеро суннат Қуръоннинг шарҳидир.
5. Агар суннатдан топа олмаса, саҳобаларнинг сўзига мурожаат қилмоғи.
6. Араб тили ва унга оид илмларга эга бўлмоғи.
7. Қуръонга боғлиқ илмларнинг усулларини билмоғи.
8. Муфассир бир маънодан бошқасини ажратиб олишга имкон берадиган даражада фаҳм ва идрокка эга бўлмоғи.

Муфассирнинг одоблари:

1. Ниятни яхши ва мақсадни тўғри қилмоқлик.

2. Чиройли хулқга эга бўлмоқлик.
3. Илмига амал қилмоқлик.
4. Нақл қилишда тўғрилиқ ва аниқликка эътибор бериш.
5. Ҳақни ошкора айтиш.
6. Тавозеъ ва мулойимлик.
7. Пасткашлиқдан иззат нафсини асраш.
8. Виқорли ва ҳайбатли кўринишга эга бўлиш.
9. Шошмаслик, гапирганда аниқ ва дона-дона гапириш.

References:

Используемая литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Жалолоддин Суютий. ал-Итқон фи улумил Қуръон. - Байрут: "Ресалаҳ Публишер", 2009. – 832 б.
2. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: ТИУ, 2004. – 618 б.
3. Абу Ҳайён ал-Андалусий. ал-Баҳрул Муҳит. – Байрут. "Ширкатур рисалатул аламия", 2015. – 611 б.
4. Бадриддин аз-Заркаший. ал-Бурҳон фи улумил Қуръон. – Қоҳира. "Дарут тирас", 2011. – 510 б.
5. <https://muslim.uz/>
6. <https://oliymahad.uz/>
7. <http://shosh.uz/maqola/>
8. <http://www.islom.uz>
9. <http://fiqh.uz/maqola/>